



АМЕРИКА

Бир халкнинг хаммаси бўлмади ёмон.
Ичида яхши хам топилар албат.
Аммо бало келиб ўт олса ўрмон,
Хўл курук баробар ёнар бешавкат.

Оллох огох этар, кайси давлатда,
Хамжинслик балоси топса гар камол.
Тош остида халок бўлар албатта,
Дахшатдан кичкирган Лут кавми мисол.

Америка кирди шу разолатга,
Очик рухсат бўлди сардор томондан.
Кавмини бошлади у халокатга,
Алхазар, алхазар ундай шайтондан!

Эзгулик хамиша голиб, музаффар
Хак келгач жиноят топади бархам.
Оллох ваъда килган жазо мукаррар,
Тошбўронда колар Америка хам!

ТАСОДИФГА ТЎЛА БУ ХАЁТ!

Бир дўстим кутинг деб берганди ваъда,
Соат хам айтилган лахзага етди.
Кутилган дўст, келар вақти бўлганда,
Кўшнининг уйига бурилиб кетди.

Интизор кутгандим, дўстим дегандим.
Келганда дилимни истадим ёрмок.
Канча дўстлардан-ку совиб кетгандим,
Лекин унга меҳрим тушганди кайнок.

У менинг уйимга кўймади кадам,
Оёк ости бўлди нафсониятим.
Ёзик дастурхонни ёпган бўлсам хам,
Кўнглим оғрикларин ёпаолмадим .

Хаёт шундай. Гох бахт, гохида омад
Бурилиб кетади бизга етмасдан.
Ўрнига келади, хасратли холат.
Келади ногахон, бир сўз демасдан.

Хаёт азалдан шу. Нолимайман йўк,
Кўп бор тасодифан козондим зафар.
Мен кутмаган чоғда, ё ишк деган чўғ,
Ё шодлик дилимни этди мунаввар.

Худойим колдирди кўп бор бежазо,
Буни хис киламан, хар лахза, хар он.
Атрофдаги дайди бало-ю казо,
Мени четлаб ўтди колдириб омон.

Кисматга карши йўк, бирорта чора.
Мумкин эди бундан баттар бўлмоги,
Умр йўлларимиз бўлиб коп-кора,
Хаёт поймонамиз бевакт тўлмоги.

Бўлди бас, ортикча килмасман исён
Яхшиликка бўлар неки бўлса хам.
Не бўлса, такдирда этилган баён,
Гарчанд, тасодифга тўла бу олам!

Худойим, хар нега химматинг кодир.
Кўрсатган кунингга рози бандаман.
Не яхшилик кўрсам мархаматингдир.
Не ёмонлик топсам, ўзим топганман.

Бир дўстим кутинг деб берганди ваъда,

Соат хам айтилган лахзага етди.
Мени деб келди-ю, такдир эканда,
Кўшнининг уйига бурилиб кетди.

ИСТЕЪДОДЛАР

Истеъдодлар бешигидир бизнинг ошён,
Тўп-тўп юрар устозларнинг даргохида.
Гох Дўрмонда шеър ўкишар шўху-шодон,
Гох Фаргона, гохо Карши сахросида.

Дорилфунун, олийгохлар турар тўлиб,
Сараланиб кўринади истеъдодлар.
Бу тупрогда ётишибди булок бўлиб,
Илдиз бўлиб Бухорийдек буюк зотлар.

Хар кимсанинг отаси бор, онаси бор.
Насл насаб, уруг-аймок туташади.
Кон тортади деган хикмат эмас бекор,
Кариндошлар бир-бирига ўхшашади.

Лек хар қачон кийин бўлган даҳоларга,
Тошни аввал даҳоларга отишарлар.
Даҳоларни кўмишарлар балоларга,
Сўнгра улар ўзга юртга қочишарлар.

Золим зоти даҳолардан доим кўркар.
Эрк байроги яратади даҳоларни.
Битта даҳо етилгунча кўзи кўрлар,
Ўлдиришар минглаб акли расоларни.

Зулм сиртмоқларин тишда тишлашиб,
Исён қилди асло таслим бўлгани йўқ.
Минг йилларки курашдилар эрк талашиб,
Минг йилларки улар яшар, ўлгани йўқ.

Даҳоларни қисмати гар бошингизда.
Гар шарафлаб турган бўлса ҳамки замон.
Аён бўлар бир кун айни ёшингизда,
Даҳоларга бўлмагайдир асло осон...

Чархифалак айланади тиним билмас,
Насл суриб тугилади буюк зотлар.
Ўзбекистон, асло золим қаслар эмас,
Шарафлайди сени асл истеъдодлар.

КАДР КЕЧАСИ

Бу нурли тонг, улуг айём кадр туни,
Ер юзига фаришталар ёгилгандир.
Бандаларнинг жаннат аро сайр туни,
Дуо сўраб кўлларимиз ёзилгандир!

Яшаш учун курашга шай аскарлармиз,
Айбимиз кўп ҳеч кечириб бўлмайдиган.
Ўзимизга кулайликлар ахтарармиз,
Одам зоти гўё асло ўлмайдиган.

Йўқдан бино этган эди Парвардигор.
Омонат жон эхсон эди Худо берган.
Ўнгдан сўлга боккунчалик умримиз бор,
Аммо биздай манман йўқдир кўкрак керган!

Кўзда қахр, кўлларда мушт, юракда тош
Тану-жонда нафрат ўти ҳамда касос.
Ханжар санчсак кўзимизга келмайди ёш,
Зулм килсак, лаззат топдик йирткичга хос.

Ҳеч ким билмас айбимиз кўп элдан пинхон.
Номардлармиз очик ойдин айтмайдиган.
Шайтон хатто кўрган захот деди: “Инсон
Бузгунчидир, ҳеч балодан кайтмайдиган!”

Улуг кунлар, улуг ойлар шарофати,
Раҳмат нурунг ёгилган тонг сахарларда,
Буюк Оллоҳ, калбимнинг йўк халовати,
Мени кечир! Кечир рўзи Махшарларда !

Мени кечир, сени билмай килдим хато.
Сени билмай,
Ўз-ўзимга зулм килдим.
Нуксонларим кўплигини билдим, аммо
Ўзим қолиб, ўзгаларни ҳукм килдим!

Мени кечир!
Иймон нурун кўнглимга сол.
Кин, адоват, газаб ўтин ўчирайин.
Мен отмокчи бўлган тошни
Кўлимдан ол,
Менга ҳам тош отганларни кечирайин!

Балки бу тош, минг йилларки ота мерос.

Балки Кобил,
отган тошдир Хобил томон.
Тош отмоклик балки инсон зотига хос.
Отилган тош отилмокда хали хамон.

Охири йўк, ҳеч нарса йўк, бу дунёда
Хар ким учун сўнгги кун бор, сўнгги он бор.
Сўнгги он хам тилим тинмас шул дуода,
Мени кечир,
Раҳм килгин Парвардигор!

Омон бўлсин, жумла жаҳон, аҳли ислом !
Ер шарини асра бало-казолардан!
Фарогатли кунлар мангу этсин давом,
Ўзинг асра ноҳак жабру-жафолардан !

Менку асло ишонмайман одамзотга.
Ер Шарини бўлак бўлак этар бир кун.
Одамларнинг руҳи тентиб самовотда,
Хузурингга нажот сўраб кетар бир кун!

Ер Шари не?
Даргоҳингда милён милён,
Кезиб юрган зарра ичра зарра эрур.
Инсон нима? Шу заррага қуриб ошён,
Тугён урган зарра ичра зарра эрур.

Яхшиямки, ўлгандан сўнг ўлмагаймиз.
Тириламиз яна кайта, яна такрор.
Умид билан жаннатингни ўйлагаймиз,
Милён йиллар яшагаймиз, Парвардигор !

Бир лахзалик фоний дунё ёлгонлари,
Алдамасин, дўзах нари кетсин биздан.
Нари кетсин фоний дунё шайтонлари,
Ёнимиздан, конимиздан, жонимиздан!

Адаштира аклимизни, нафсимизни,
Ўзинг бизнинг йўлимизга машъала ёк!
Иймон шавки билан тўлдир калбимизни,
Раҳм айла, раҳм айла, Буюк Оллох!

Буюк Оллох, Буюк Оллох, Буюк Оллох...

КУРЪОНИ ШАРИФ

Куръон нозил бўлган лахзадан буён,
Кирон келтирмокка излашар имкон.
Неча Абу Лахаб кўрди тиш кайраб,
Оллох гард юктирмай келмоқда асраб.
Тонг каби дилга нур бермокка шоша,
Куръон яшаб келар минг йиллар оша.
Минг минг Абу Лахаб тугилди, ўлди.
Топгани бир парча каро ер бўлди.
Мушриклар, яхудлар, форс лашкарлари
Шайтон тугёнига учрашиб бари,
Киргин барот жангга килич кайрашиб.
Дўзах оловига тушди калашиб.
Салбчилар отдилар милён милён ўк.
Куръонга бирор ўк, теккани хам йўк.
Чингизхон кўшини тизилди катор,
Аmmo барчасига ўлим бўлди ёр.
Милярдлаб одамнинг калбин этиб ром.
Куръон яшамокни этмоқда давом !
Кўкдан йўкотолмай бу нурни хамон,
Осийлар бўлмоқда ер билан яксон.
Бўлурми Куёшни ўк билан отиб,
Осмонни йўкотиб, Ойни йўкотиб.
Килич санчган билан ўлурми уммон?
Дунё ўткинчидир, мангудир Куръон !
Хамон тўда-тўда, салтанат бўлиб,
Кўшма штат бўлиб, мамлакат бўлиб,
Демакратмиз деган байрок остида,
Фитна кўзгашмоқда Куръон касдида.
Мангу нурга душман бўлиб нетарлар?!
Ўзларин бошин еб ўлиб кетарлар.
Куръонга ишонмай юрган инсонлар.
Тирик мурдалардир, ўлакса жонлар
Уларнинг юраги мисоли хазон,
Жаханнам ўтида топади макон.
Янги давр, янги кунларга шоша
Куръон эса яшар, асрлар оша...
Куръонга калбидан жой берган одам,
Ўзига топгайдир абадий ёрдам.
Замон жасад бўлса, жон эрур Куръон,
Инсонга шарафу шон эрур Куръон !
Юзимиз нурланар Куръонга караб,
Сўзимиз ўнганар Куръонга караб,
Ер юзига кириб келгандай бахор,
Бахт хамда саодат бизга бўлар ёр..
Тонг каби дилга нур бермокка шоша
Куръон яшайверар, асрлар оша !

